УДК 29

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДИНЛАРНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ

И.С.Эргашев, Д. А.Собиров

Мақолада Марказий Осиё халқларининг ибтидоий эътиқодлари ва динларининг тадрижий ривожланиши тадқиқ этилган. Минтақа халқларининг ибтидоий, қадимги динлари тарихи ва уларнинг тадрижий ривожи мисоллар ёрдамида ёритилган. Кейинги йилларда топилган далиллар орқали дин ва элатларнинг аралашиб яшагани кўрсатиб берилган. Бир маҳаллада ёки қўшни қишлоқда бир элат, бир дин, қўшни маҳалла ёки қишлоқда бошқа миллат ва бошқа дин, бошқа эътиқод бўлиши мумкин, деган хулосага келинган.

Калит сўзлар: *дин, ибтидоий динлар, қадимги динлар, кўктангричилик, культ, дафн маросими, зардуштийлик, саклар, массегетлар.*

В статье исследована эволюция первобытных верований и религии народов Централной Азии. Освещены история и развитие первобытных верований и древних религий народов региона на конкретных примерах. Опираясь на приобретенные в последнее время данные, показано, что в данном регионе сосуществовали различные религии и народности. Сделан вывод, что в одной махалле или кишлаке могут жить представители одной или нескольких религий и народностей.

Ключевые слова: *религия, первобытные религии, древняя религии, тенгризм, культ, похоронные обряды, зороастризм, саки, массагеты.*

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолиси 32 млн.га яқин бўлиб, 130 дан зиёд миллат ва элатга мансуб ҳисобланади. Ўзбекистон фуқароларининг 94 % идан зиёд қисмини ислом динига эътиқод қилувчилар, 3,5 % ини православлар, қолганларни бошқа конфессия вакиллари ташкил этади. Ҳозирда республикамизда 16 та диний конфессияга мансуб 2243 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Жумладан, 2043 та масжид, Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти, Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик черкови, Евангел христиан-баптистлар черкови, Тўлиқ инжил христанлар черкови, Протестант семинарияси, Еттинчи кун христан-адвентистлар черкови, Евангел-лютеранлар черкови, Корейс-протестант черкови, Арман Апостол черкови (жами 151 та христиан черкови), 8 та яҳудий, 6 та баҳоий диний жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти ва 1 та Будда ибодатхонаси ҳамда Библия китоб жамияти фаолият юритмоқда [1. Б. 7]. Улар қаторига давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий, Термиздаги Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказлари ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси қўшилди.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашда маърифат ва диний бағрикенглик асосий омил бўлади. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида халқаро ҳужжат қабул қилиш зарурати юзасидан фикр билдириб, жумладан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган” [2].

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминида турли миллат ва дин вакилларининг тинч ва осойишта умргузаронлик қилишларининг илдизлари узоқ тарихга эга. Ўзбекистон муболағасиз чин маънодаги бағрикенг диёрдир.

Марказий Осиё халқлари динларининг ривожланиб бориши ўзига хосдир. Бу тарихий жараённинг мазмуни диннинг қадимги шакллари ва элементлари – тотемизм, фетишизм, анимизм, шаманизм, кўктангричилик, оташпарастлик, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик ва исломдан ташкил топган динларнинг тарихидан иборат. Марказий Осиё халқлари тарихида ибтидоий динлар параллел равишда, жаҳон динлари эса олдинма-кетин ўрин олган. Айни шу ҳолат Марказий Осиё халқлари динларининг ривожланиб боришидаги ўзига хос жиҳатдир.

Юнон ва қадимги хитой манбалари, археологик топилмалар Ўрта Осиёдаги динлар ҳақида, уларнинг тараққиёт босқичлари ҳақида умумий маълумотлар олиш имконини беради [3. Б. 170].

Аждодларимиз ҳаётида дастлабки диний эътиқодлар ва маросимлар уруғчилик жамиятида пайдо бўлган. Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон инсоният тарихидаги илк диний тасаввур ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан ҳисобланади. Бу ҳудуд халқларининг дастлабки манзилгоҳлари Фарғона водийсида тош даврида (700 – 500 минг йил илгари) вужудга кела бошлаган. Ўрта палеолит даврига тегишли топилмалар (100-40 минг йиллар) бу ерларда (Тешиктош ғорида неандертал бола дафн қилинган ва унинг қабри устига архар шоҳи қўйиб қўйилган) диний тасаввурлар пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Неолит даври охирларига келиб анимизм, тотемизм, фетишизм ва сеҳргарлик (магия) сингари ибтидоий дин шакллари тарқалди [4. Б. 37]. Кейинчалик маданиятнинг шаклланганлигини кўрсатиб берувчи қояларга ўйиб туширилган расмлар, ҳайкалтарошликнинг энг содда турлари вужудга кела бошлади.

Марказий Осиёда яшаган аждодларимизнинг дастлабки диний қарашлари тарихи ҳайвонларни муқаддас деб билиш - тотемистик қарашлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу тасаввурлар, асосан, йиртқич ҳайвонларни муқаддаслаштиришда ўз ифодасини топган. Айни бир одамлар гуруҳини маълум бир ҳайвон туридан вужудга келган деб тасаввур қилиш тотемистик тасаввурнинг асосий моҳиятидир. *Ит, бўри, от, туя, кийик* ёки *буғу, бургут*лар туркий аждодларимизнинг асосий тотемлари ва культи ҳисобланган. Улар айни бир уруғ жамоаларининг асосчиси ва ҳомий-ҳимоячиси сифатида эътироф этилган. Энеолит даврига келиб эса (милоддан аввалги уч-беш минг йил илгари) сополдан ишланган уй-рўзғор буюмларида ўсимликлар, геометрик шакллар билан бирга ҳайвонларнинг, жумладан, тоғ эчкиси ва қўйлар, шу билан биргаликда, афсонавий аждаҳоларнинг расмларини ҳам кўриш мумкин. Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси ёввойи ҳайвонлар бу дунёдагина эмас, балки нариги дунёда (афсонавий мавжудотлар, илоҳлар ва руҳлар оламида) ҳам бўладилар ва одамзод ҳамда илоҳлар ўртасидаги алоқаларда иштирок қиладилар, дея тасаввур қилганлар.

Қадимги аждодларимиз ўз афсоналарида бургут одамлар учун манфаат беришига эътиқод қилган ҳолда, ҳайвонот дунёси, хусусан, эчкилар ва уларнинг қўзилари ёмғир ёғдиради, деб тушунилган. Шунингдек, кўзи ёриши яқин бўлган ва янги кўзи ёриган аёлни ёмонлик рамзи бўлган “албасти”дан ҳимоя қилишда бургутдан мадад сўралганлиги ҳақидаги эътиқодлар ҳозирги кунимизгача етиб келган.

Марказий Осиё халқларидан ўзбек ва тожикларнинг либосларида, хусусан, миллий бош кийими – дўппиларда қушларнинг, мисол қилиб айтганда, мусичанинг сурати учрайди. Барча ҳудудларда ёш гўдакларни ёмон назардан, турли офатлардан ҳимоя қилиш учун каклик пати ҳамда унинг панжа суякларидан кўзмунчоқлар тақиб қўйилган. Бу одат ҳозиргача сақланиб қолган. Мазкур ҳолат чорвачилик билан шуғулланадиган аждодларимиз орасида кенгроқ намоён бўлади.

Жаҳон халқларида кўп учрайдиган қуш ва паррандаларни, улардан сувда суза оладиганларини эъзозлаш, одам ўлганидан сўнг унинг жони қуш қиёфасида инсон танасини тарк этади, деб тасаввур қилиш бизнинг аждодларимиз дунёқарашида ҳам учрайди. Аждодларимиз, айниқса, мусича, қалдирғоч каби қушларни хосиятли қуш сифатида эъзозлаганлар. Хусусан, ўзбеклар қалдирғочнинг уйга келишини ва ин қуришини осойишталик ва фаровонлик рамзи сифатида қабул қиладилар. Шунингдек, ғоз (дунё халқларида бўлгани сингари оқ қуш) инсонга мададкор илоҳий қуш сифатида қабул қилинган. Буни биз “Алпомиш” мисолида кўрамиз. Ўз ўрнида, “Алпомиш” достонининг ёшини, бизнинг фикримизча, бугунги кунда камроқ баҳоланмоқда. “Алпомиш” вариантларининг энг қадимги шакли шак-шубҳасиз исломдан аввалроқ пайдо бўлган дейишимиз мумкин.

Шунингдек, минтақада яшаган аждодларимизнинг дастлабки диний қарашлари сирасида туя ва отларни илоҳийлаштириш ҳам бор. Милоддан аввалги III – IV асрларда Бухорода зарб қилинган тангаларда туянинг тасвири акс этган. Бу диний қарашлар узоқ ўтмишга бориб тақалишига далолат қилади. Мисол учун “Сиёвуш” сўзи қора айғир ёки тойча маъносини англатади.

Аждодлармиз диний қарашларида осмон жисмларига ва ҳодисаларига (чақмоқ ва момақалдироқ) топиниш ҳолатлари ҳам учрайди. Марказий Осиё қадимги халқларининг “Тангри”га ишониши само жисмларини илоҳийлаштирганлигига далилдир. Туркий аждодларимиз Тангрини худо сифатида осмон, ер ва ойга нисбатан ҳам қўллаганлар. Бу ҳолат осмон, ер, сув, тоғ худолари бирбиридан ажратилмаганлигини билдиради.

Шарқ халқларининг барчасида ҳам ибтидоий эътиқодлардаги тотем ва культларни муқаддаслаштириш ҳолатлари ҳамда улар билан боғлиқ қурбонликлар қилиш ҳанузгача учраб туради.

Диннинг қадимий шаклларига она худо (Онахит) билан боғлиқ тасаввурлар ҳам киради. Энг қадимий вақтларда “Апи” маъбудасининг (апа, она) таъсири кенг тарқалган. Тарихий манбаларда Спитаменнинг қизи, кейинроқ Салавка Ника-

торнинг аёли исми Апама бўлганлиги қайд этилади. Ҳозирги кунда ҳам айрим ҳудудларимизда онасига нисбатан “Апа” деб мурожаат қилиш ҳолатлари учрайди. Бу диннинг матриархат даврида пайдо бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирги Туркманистонда жойлашган Ану шаҳри харобаларининг милоддан аввалги III – II мингинчи йилликларга тўғри келадиган энеолит даврига (мис-тош даври) тегишли қатламда Апининг аёл жинсига тегишли эканини бўрттириб кўрсатган ҳайкалчалар ва манотлар (ҳайкалча рамзлари) топилган. Баъзи ҳайкалларда Апи бир ўзи, баъзисида қўлида гўдак бола билан бўлган. Зенд Авестонинг мадҳиясида тасвирланган Анаитис ҳам худди ана шундай “Она” бўлган. Ҳайкалчадаги “она”нинг кийимлари ҳайвон терисидан экани эса у чорвадор аҳолининг, сак ва массагетларнинг маъбудаси бўлганини кўрсатади. Унга аталган байрамнинг “сакей” деб аталгани ҳам бунинг исботидир. Илк деҳқончилик ривожлана бошлаганда, “Апи” ўзининг соҳасини ўзгартириб, ҳосилдорлик маъбудаси қиёфасини олган ва зардушт динидаги худолар гуруҳига ҳосилдорлик маликаси сифатида кирган, шу кўринишда, айниқса, Бақтрияда катта обрўга эга бўлган. Ер худосининг қадимги битикларда аёл қиёфасида тасвирлангани ҳақида ашёвий далиллар бор [3. Б. 172].

Анахита - Она худо ҳосилдорлик, қут-бараканинг рамзи, ёш авлоднинг ҳомийси ҳисобланган. Ҳозирги кунда ўзбек халқларидаги “Анбар она”, қирғиз халқларидаги “Умой она”ларни мисол қилиб келтириш мумкин. Деҳқонлар орасидаги “Бобо деҳқон” ҳақидаги тасаввурлар ҳам шулар жумласидандир.

Тарихдан маълумки, жамиятнинг илк босқичида ибодатлар билан боғлиқ жараёнларда жамоанинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этган. Чунки тарихнинг бу босқичида уруғдошлар ва қабила аъзолари орасида тенглик тамойили ҳукм сурган. Кейинги даврларда уруғчилик тузумининг емирилиши натижасида ибодатни бошқарадиган шахслар учун махсус жойлар, шунингдек, маросимларни олиб борадиган руҳонийлар вужудга келди. Руҳонийлик маълум касб-ҳунарга айланиб борди.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, тарихимизнинг қадимги даврида маълум бир ҳудуддаги дин ҳақида гапирилганда, булар ялписига насроний, буддавий, мусулмон, зардушт ё оташпараст деб гапирилиши ҳақиқатга тўғри келмайди [3. Б. 170]. Айниқса, қадимги даврда Самарқанд, Бухоро шаҳарларида исломгача бир неча хил, жумладан, оташпарастлик, зардуштийлик, аждодлар руҳига сиғиниш, бутпараслик каби эътиқодлар мавжуд бўлган.

Динлар эволюцияси Марказий Осиё халқларида ажойиб тадрижийликда ривожланганига гувоҳ бўламиз. Айтайлик, ибтидоий эътиқодлар тотемизм, анимизм, фетишизм ва оташпарастлик бўлса, қадимги эътиқодларга кўктангричилик ва зардуштийлик яққол мисол бўлади. Афтидан, кўктангричилик кўчманчи, яримкўчманчи ва чорвадор аҳоли орасида тарқалган десак, тўғри бўлади. Ибтидоий эътиқодлардан фарқли ўлароқ, кўктангричилик эътиқодини давлат пайдо бўлган халқларда кузатишимиз мумкин. Яъни бу ерда кўк – осмон, “тангри” худонинг соф туркийча аталишидир. Қирғиз халқидаги “Умай Она” образи айнан кўктангричиликдан сақланиб қолган. Қам ёки Қўйин (яъни, руҳоний) гўё воситачилик қилган. Шунингдек, бу динда ҳам қурбонлик маросими бор. Қурбонликка, асосан, от ва қорамол сўйилган. Бу ҳолатни ҳозирги кунимизда маросимларда от ва қорамол сўйилишида кўришимиз мумкин. Кўктангричилик мутахассислар томонидан жуда кам ўрганилган. Баъзан кўктангричиликни шаманлик дини билан айнанлаштириш ҳолатлари кузатилади. Рус ва инглиз мутахассислари ҳам шундай фикрдан йироқ эмас. Бу динлар бир-бирига ўхшаши мумкин, лекин шамонлик ибтидоий, кўктангри эътиқоди қадимги диндир.

Мутахассисларнинг маълум бир қисми кўктангричиликнинг яккахудоликка мансублигини эътироф этадилар. Улар борлиқнинг яратувчиси сифатида Кўктангрига эътибор қаратадилар. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, интернет тармоқларида кўктангричиликни тадқиқ этиш хатарли, гўё бу нарса муқаддас ислом динимизга соя солади, деган фикрлар пайдо бўлмоқда. Соғлом фикрли одамлар, албатта, бу ҳолатни тўғри тушунадилар. Ваҳоланки, Миср, Юнонистондаги тарихни ўрганиш давомида қадимги диний таълимотлар ҳам ўрганилади. Бу билан улар ўша эътиқодларига қайтиб кетганлари йўқ. Араблар ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалломгача бўлган тарихни ўрганишда исломдан олдинги эътиқодлар тарихига тўхталадилар.

Турон ва Эронда бошқаларга қараганда кенгроқ тарқалган дин зардуштийлик бўлган. Аҳмонийлар даврида у давлат динига айланган. Унда Ахурамазда эзгулик, Аҳриман ёвузлик тимсоли бўлган. Шоҳ Доро ҳам ёзувларда ўзи эришган барча муваффақиятлар худо Ахурамазданинг иноятлари эканини таъкидлайди.

Зардуштийликнинг пайдо бўлган жойи Ўрта Осиёдир. Манбаларда Зардуштнинг Бақтрия подшоси бўлгани айтилади. Илгари таъкидланганидек, ер ва оловни муқаддас, уни булғаш ярамас иш деб ҳисоблаш зардуштийлик даврида янгича дафн маросимини келтириб чиқарди. Жасаднинг эти ит ва қузғунларга едирилиб, суяклари бекик хумларда сақланган. Бундай хумлар (оссуарий-

лар) Тошкент ва Самарқанд воҳаларида, айниқса, кўп топилган [3. Б. 172].

Биа найман оссуарийларида (Самарқанд жанубида) косада ичимлик тақдим этаётган аёлларнинг тасвирлари туширилган. Косалардаги, эҳтимол, зардуштийлик билан буддизмнинг қўшилишидан туғилган ақиданинг муқаддас ичимлиги “гаома”дир. Эҳтимол, Ўрта Осиёдаги зардуштийликда аёл коҳинларнинг ўрни катта бўлган бўлиши мумкин. Чунки бундай тасвирлар нафақат оссуарийларда, балки бошқа жойларда ҳам мавжуд эди [3. Б. 172].

“Авесто”ни бир бутунликда таҳлил этишдан маълум бўлишича, Заратуштра яшаган замонга қадар ибтидоий аждодларимиз турли қабилавий диний тасаввурларга амал қилиб келишган. Энди эса ибтидоий муносабатлар ўрнини дастлабки синфий жамият эгаллаётган давр бошланди. Бу даврнинг шаклланиши учун кучли ғоя зарурлиги сезила бошланди. Чунки маҳаллий қабилавий динлар жамият тарққиётининг янги босқичига кўтарилишга тўсқинлик қилувчи кучга айланган эди. Бу мураккаб замонда ўлканинг турли қабилаларини бирлаштириш, шу орқали уларни давлатчилик ғояси атрофига уюштириш зарурияти туғилди. Ана шундай заруриятни тўғри тушунган ўз замонасининг илғор кишиларидан бири сифатида Заратуштра тарих майдонига чиқди [5. Б. 197].

Ўрта Осиёнинг Тошкентдан шимол қисмидаги шаҳарлар бўлмаган ерларда оссуарийлар учрамайди. Аксинча, бу ердаги турбат (мозор)ларда эски скифларга хос остига бутун жасад қўйилган “тупроқ қўрғонлар” кўп учрайди. Шунга қараб археологлар ва уларнинг ишидан хулоса чиқарган тарихчи олимлар зардуштийлик билан буддизм бу томонларга, яъни сак ва массагетларга кириб бормаган, деб ҳисоблагандилар. Сўнгги вақтларда буддизмнинг охирги чегараси Термиз деб ёзиш табиий ҳол сифатида қабул қилинарди. Аммо ўтган асрнинг охирларида Сайрамда (ҳозирги Қозоғистон ҳудудида) Будданинг тўлиқ сақланган ҳайкали ва буддизм эҳроминиг очилиши бу фикрларнинг, юқорида айтилганидек, қадимдаги халқларнинг динга ва миллатга мансублиги ҳақида гапирганда, бир жойдаги археологик қазилмага қарабоқ минг километрлик регионлар хусусида “бунда фалон дин ҳукмрон бўлган, фалон элат яшаган” деб хулоса чиқариш нотўғри эканлигини кўрсатади. Зеро, кейинги далиллар дин ва миллатларнинг аралашиб яшаганидан дарак беради. Бир маҳаллада ёки қўшни қишлоқда бир элат, бир дин, қўшни маҳалла ёки қишлоқда бошқа миллат ва бошқа дин, бошқа эътиқод бўлиши мумкин [3. Б. 170].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳанузгача мутахассислар оташпарастлик билан зардуштийликни айнанлаштиришмоқда. Ваҳоланки, улар алоҳида динлардир. Чунки динларнинг асосларидан бўлмиш дафн этиш маросими бу динларда бўлакча. Зардуштийликда майит остодонда сақланган, оташпарастликда эса ёқиб юборилган.

“Авесто”да одамнинг ўлимига сабабчи бўлган куч “атраван” деб аталган. Эронликлар бундай кучни “магия” деб аташган. “Авесто”да таъкидланишича, атраванларга ўхшаб, маглар ҳам мурдаларни ёввойи ҳайвонлар ихтиёрига топширганлар. Бу ҳақда Геродот шундай деб ёзади: “Бу нарса сирли равишда бажарилган. Эронликлар мурдаларни қуш ёки итлар еб, бўлакларга бўлиб ташлагандан кейин кўмадилар. Маглар эса дафн этмай, мурдани очиқ ҳавода қолдирадилар” [6. Б. 204].

Шу ўринда оташпарастлик ҳақида ҳам мулоҳазаларимизни баён этишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Оташпарастлик эътиқоди ибтидоий эътиқодлардан ҳисобланиб, бу эътиқод ер шарининг барча минтақаларида тарқалган. Худди анимизм, тотемизм, фетишизм эътиқодлари каби барча минтақаларда кузатилади. Зардуштийлик дини эса қадимги эътиқодлардан бўлиб, бу дин анча такомиллашган, шунингдек, ўз китоби ва етакчисига эга дин ҳисобланади. Қадимги дин деб аташимизга сабаб бу эътиқод тарқалган давр жаҳонда ҳам кўпхудолик динлари тарқалган даврга тўғри келади. Масалан, Юнонистон ва Римда кўпхудолик динлари тараққий этган эди. Ўз навбатида, аждодларимиз диний эволюциясида ҳам бошқа халқлардан илгарилаб кетилганини кўрамиз. Чунки зардуштийлик дини яккахудоликка қўйилган илк қадамлардан эди. Зардуштийлик дини тадқиқотларида ҳам айрим чалкаш маълумотлар учрайдики, бу ҳолат ҳам аслида табиийдир. Динлар тарихидан маълумки, динлар ҳам ўзларидан олдинги эътиқодларнинг маълум бир атрибутларини ўзида акс эттиради. Масалан, христианлик қадимги юнон кўпхудолигидан маълум бир нарсаларни ўзлаштирган. Ёки Марказий Осиё халқлари маданиятида ҳам исломдан олдинги эътиқодлардан қолган урф-одатларни кўриш мумкин. Зардушт фалсафасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг тўрт унсурни – тупроқ, ҳаво, сув, оловни муқаддаслаштириши нуқтаи назаридан келиб чиқиб оташпараст деб аташ қўпол хато бўлур эди. У ҳолда зардуштийларни сувпараст, тупроқпараст ва ҳавопараст деб ҳам аташ мумкин эди.

Шу ўринда зардуштийлар ибодатхонасида муттасил олов ёниб туришининг асосий сабабларидан бири эътиқод тарқалаётган пайтда, яъни бронзанинг охири ва илк темир асрларининг бошларида Марказий Осиёда иқлим совиб кетади. Ўз навбатида, аждодларимиз ижтимоий ҳимояга

муҳтож қатламларга кўмак мақсадида ибодатхоналарда муттасил олов ёқиб, уларни совуқдан асраган. Шунингдек, олов атрофида диний сабоқлар ҳам ўргатилган. Бундан келиб чиқадики, оташкадалар нафақат диний, балки маънавий ва ижтимоий муассаса вазифасини бажарган.

Суҳравардий “Ҳикмат-ал-Ашроқ” асарида “Оташпараст” сўзининг келиб чиқиши тарихини ёритар экан, “биринчи оташкадалар Ҳушанг, Жамшед, Фаридун ва Кайхусравлар замонида қурилган”, деб таъкидлаган [7. Б. 93].

Зардушт, насроний ва буддавийликнинг черков ва ибоданхоналари ёнма-ён тургани маълум. Ҳатто бир халқнинг бир қисми у динга, иккинчи қисми эса бошқа динга топинган бўлиши мумкин. Массагетлар ҳақида зардуштий динида деб ҳам, оташпараст, қуёшга сиғиниб от сўядилар деб ҳам ёзилганини кўриб ҳайрон бўлмаслик керак. Чунки аждодларимиздан бири бўлган бу халқ (айниқса, кўчманчилик даврида) Сир, Аму, Каспий бўйларидан тортиб Ҳиндистон, Покистон давлатларида, Помир тоғларида ҳам яшагани айтилади. Уларнинг бир ердагиси зардушт, иккинчи ердагиси оташпараст бўлганлиги эҳтимолини инкор қилиб бўлмайди. Китоб муаллифларининг яшаш даври бир-бирларидан бир-икки аср, ҳатто ундан-да кўпроқ фарқ қилишини ҳисобга олмоқ керак. Ундан ташқари, битта мазмундаги жумланинг (масалан, скиф бир хотинникига кирмоқчи бўлса, садоғини ташқарига осиб кириб кетаверади) барча муаллифда такрорланишини эса кейинги ёзувлар аввалгиларнинг асарларидан фойдаланганлигидан, деб тушунмоқ керак. Китобда келтирилган машҳур тарихчилар аксарияти Ўрта Осиёга келмаганлар ва ўз асарларида сайёҳларнинг ёзувларидан фойдаланганларини ўзлари айтиб кетганлар [3. Б. 171].

Диний тасаввурларнинг илк шакллари Марказий Осиё халқларининг дунёқарашида ўзига хос даражада шаклланиб кейинги диний қарашларининг таркибий қисмларида тарихий шароитлар таъсирида ўзгарган ҳолда сақланган: уларнинг санъати, маданияти ва турмушига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида миллий ва жаҳон динлари вужудга келиши билан диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг дунёқарашида қадимий тасаввурлар ўрнини янги диний таълимотларга асосланган қарашлар секин-аста эгаллай бошлаган.

Марказий Осиёда қадимда кенг тарқалган динлардан бири буддавийликдир. Бир гуруҳ тадқиқотчилар мазкур диннинг Ўрта Осиёга кириб келишини Кушонлар шоҳи Канишка (78-123) ҳукмронлиги даврига тааллуқли деб биладилар (I асрнинг охири – II асрнинг бошлари) [8. Б. 447]. Иккинчи гуруҳ эса бу жараённинг бошланишини бироз эртароқ деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи Б.А.Литвинский илгари сурган фикрга кўра, буддавийлик шимоли-ғарбий Ҳиндистон ва жанубий Афғонистон (Қандаҳор) орқали тахминан мил.ав. III асрда Бақтрияга (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига) тарқала бошлаган [9. Б. 159].

Канишка I даврида аҳоли, асосан, буддавийлик динининг маҳаяна мазҳабига эътиқод қилган. Кўплаб будда ибодатхоналари қурилган. Шу билан бирга, оташпарастлик, ҳиндуизм ҳам кенг тарқалган. Канишка буддизм тарихида биринчи бўлиб вақти-вақти билан диний йиғин чақириб туришни жорий этган. Дастлабки йиғинда буддизмнинг мазкур янги мазҳаби маҳаяна расмийлаштирилган. Бу эса буддавийликнинг Осиё мамлакатларида кенг тарқалишига, унинг жаҳон динларидан бирига айланишига сабаб бўлган. Топилган тангаларнинг орқа томонида турли маъбудалар – Михра (Митра) (Қуёш маъбуди), Оташ (олов маъбуди) ва бошқалар тасвирланганлиги буни исботлайди [3. Б. 79].

Ҳозирги Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепа, Сайрам, Қува ва бошқа жойларда топилаётган Будда ҳайкалчалари ёки уларнинг парчалари, Айритомдаги айвон пештоқи парчасидаги буддавий мусиқа чалувчиларнинг суратлари ва бошқа топилмалар, сарой ва ибодатхоналар Ўрта Осиёдаги буддавийлик ҳақида хабар берувчи манбалардир.

Христианликнинг ҳам зардуштийлик, буддавийлик каби Ўрта Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрни бор. Христианлик дини Марказий Осиёга, аввало, христианликни тарғиб этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик ҳаракати орқали кириб келган. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Ўрта Осиёнинг турли вилоятларига милоднинг I асрларида кириб келганлар [4. Б. 168].

III асрнинг охирларида Талос Марке номли черковлар қурилган. Самарқандда IV асрда, Марвда IV асрда, Ҳиротда V аср, Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, миссиялар тузилган ҳамда епископликдан иборат диний-ҳудудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хусусан, Самарқанд вилояти Ургут тумани Қўштепа ёдгорлигида христиан руҳонийлари тарбияланадиган ўқув муассасаси топиб ўрганилган. Бу маълумотлар Хуросон ва Суғдиёнада зардуштийлар, монавийлар, буддистлар билан бир қаторда христианлар ҳам яшаганлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда, улар қорахитойлар ва сосонийларга қарашли ерларда яшаганлар [10. Б. 126].

Хулоса қилиб айтганда:

Марказий Осиё халқларининг диний тасаввурлари ўрта полеолит давридаёқ шаклланa бошлаган;

ибтидоий эътиқодларнинг хилма-хил шакллари параллел равишда мавжуд бўлган, шунингдек,

қадимги тарихимиз, қадимги эътиқодларимизни ўрганиш ва талқин этишда маълум чалкашликлар кузатилади;

жаҳон динлари бўлмиш буддавийлик, насронийлик кетма-кет кириб келган;

Марказий Осиё аҳолиси илк ўрта асрлардаёқ диний бағрикенгликни ўзида намоён қилди. Буни қадимги давлатлар Бақтрия, Қанғ, Довон ҳудудларида яшаган халқларнинг диний эътиқоди турлича бўлганлигида, айниқса, бу ҳол кушонлар даврида буддавийлик давлат дини деб эълон қилинган ҳолда, юқоридаги барча динлар параллел мавжуд бўлганлигида, аҳоли буддавийлик динига мажбурланмаганлигида кўришимиз мумкин.

Адабиётлар

1. *Юсупов О.* Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. X республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 7.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи / Халқ сўзи. - 2017 йил 20 сентябрь.

3. *Аълам З.* Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. - Тошкент: Yurist-Media markazi, 2008. – 183 б.

4. *Шамсуддинив Р., Мўминов Ҳ.* Ўзбекистон тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2013. – 671 б.

5. *Асқаров А.* Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. - Тошкент: Университет, 2007. – 339 б.

6. *Boynazarov F.* Qadimgi dunyo tarixi. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2006. – 383 б.

7. *Ҳомидий Ҳ.* Авестодан Шоҳномага. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 316 б.

8. *Токарев С.А.* Религия в истории народов мира. – Москва: Политиздат, 1964. – 576 с.

9. *Ртвеладзе Э.* Цивилизации, государсва, культуры Ценральной Азии. – Тошкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2005. – 288 с.

10. Диншунослик. Дарслик. Иброҳимов Н.И. таҳрири остида. –Тошкент: Меҳнат, 2004. – 295 б.

DEVELOPING RELIGION`S EVALUATIONS IN CENTRAL ASIA

I.S.Ergashev[1], D.A.Sobirov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1(45). 28 – 34.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *religion, primitive religions, ancient religions, tengrism, funeral ceremony, zoroastrianism, sak and massaget tribes, religious tolerance.*

The present article deals with people`s primitive faithes and development of religion`s evaluations in Central Asia.

In this article the authors tell about the fair and intimate domestic and foreign policy pursued in our country in recent years as well as the fair attitude towards religion and religious institutions, the religion of the Central Asian peoples and their evolutionary development of primitive and ancient religions in our republic. The authors address to theme on Greek and old Chinese sources, archeological findings. They also indicate a series of confusion in studying our ancient beliefs. In particular, because of the lack of adequate study of the ancient beliefs of Turkic peoples, Koktengrism, and the shamanic religions they came to the conclusion that religion was a single religion. Authors state that this is reflected in various Russian and English literature. In the article, the authors spoke extensively on the religion of Zoroastrianism. They focus on the history of this religion, the tradition of a particular tradition. The authors also state that in the process of learning Zoroastrianism many scientists blame them in Fireworship. Meanwhile, in the philosophy of Zoroastrianism four elements air, water, earth, and fire are “sacred” elements but in for some reason they are not blamed as airworship, waterworship, earthworship, and fireworship. Because there are cases of superficial learning of religious history. Fireworship is a primitive belief.

The authors prove this idea with the burial of ceremony of Zoroastrianism and Fireworship. Whereas, in Zoroastrianism usually, the corpse is laid in threshold, in Fireworship the corpse is burnt. In the study of the primitive and ancient religions of the peoples of Central Asia the authorsconsider consistency, evolution and objectivity to be a priority.

Archaeologists and historians, who have come to conclusions on the archaeologists work, have regarded that Buddhism and Zoroastrianism didn’t reach the places of the Saks and the Massagets.

The authors of the article conclude that:

the religious views of the peoples of Central Asia began to be formed in the Middle Paleolithic;

The various forms of primitive beliefs exist in parallel:

Also, there are some confusions in our ancient history, in the study and interpretation of our ancient beliefs.

World religions Buddhism and Christianity came to our places in turn;

The population of Central Asia have demonstrated their religious tolerance even in early Middle Ages.

The pavement for this is that during the Kushan Empire Buddhism was proclaimed as a state religion, but all other religions parallel developed.

References

1. *Yusupov, O.* (2018) *O'zbekistonda davlat va din munosabatlari* [State and Religious Relations in Uzbekistan]. Dinshunoslikning dolzarb muammolari. X respublika ilmiy-amaliy konfrensiyasi [Actual problems of religious studies. X Republican scientific-practical conference]. Tashkent: Toshkent islom universiteti. Pp. 7.

2. *Mirziyoev Sh.M.* (2017). *O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi* [Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoy at the 72nd Session of the United Nations General Assembly]. Xalq so'zi. September 20.

3. *A'lam, Zohir* (2008). *Qadimgi tarixchilar O'rta Osiyo haqida* [Ancient historians about Central Asia]. Tashkent: Yurist-Media markazi.

4. *Shamsuddiniv, R., Mo'minov, H.* (2013) *O'zbekiston tarixi* [History of Uzbekistan]. Tashkent: Sharq.

5. *Asqarov, A.* (2007). *O'zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi* [Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people]. Tashkent: Universitet.

6. *Boynazarov, F.* (2006) *Qadimgi dunyo tarixi* [Ancient World History] Tashkent: Iqtisod-moliya.

7. *Homidiy, H.* (2007). *Avestodan Shohnomaga* [From Avesta to the Shakhnabis]. Tashkent: Sharq.

8. *Tokarev.S.A.* (1964). *Religiya v istorii narodov mira* [Religion in the history of the peoples of the world]. Moscow: Politizdat.

9. *Rtveladze, E.* (2005). *Sivilizatsii, gosudarstva, kulturo sentralnoy Azii*. [Civilizations, states, cultures of Central Asia]. Tashkent: Universitet mirovoj ekonomiki i diplomatii.

10. *Ibrohimov, N.I.* (ed.) (2004). *Dinshunoslik. Darslik.* [Religious studies. Textbook]. Tashkent: Mehnat.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Эргашев Ихтиёр Сайпиддинович – фалсафа фанлари номзоди, Андижон давлат университети фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси.

Собиров Дилмурод Абдулхакимович - Андижон давлат университети фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: smart_boy_and@mail.ru